Ушбу сонда:
2 АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ ЯШАМОҚДА, АМАЛ ҚИЛМОҚДА
3 TV — ДАСТУРИ
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Инсонга наф келтириш - олий бахт

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 16 ноябр, шанба №181 (1398)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ҲАЛҚАРО БИЗНЕС МАКТАБИ

Пойтахтдаги Халқаро бизнес марказида Япония ҳукумати томонидан кичик ҳажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида ажратилган навбатдаги грантлар бўйича шартномалар имзоланди.

Галдаги грантларнинг умумий ҳажми 423,730 АҚШ долларига тенг бўлиб, бир қисми пойтахтимиздаги тўртта мактабни замонавий техника билан таъминлашга сарфланади. Шунингдек, ёрдамнинг салмоқли қисми Мирзо Улуғбек туманидаги йўлларни обод этиш ҳамда Тошкент шаҳар онкологик диспансерини таъмирдан чиқаришга ажратилади.

Ҳужжатларга Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато ҳамда грантга сазовор бўлган муассасалар раҳбарлари имзо чекди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# РЕСПУБЛИКА БАНК КЕНГАШИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

***Иқтисодий ислоҳотлар янада чуқурлаштирилиши ва банк тизими эркинлаштирилишини таъминлаш, банк қонунчилигини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятини ташкил этиш даражаси ва самарадорлигини ошириш, республика тижорат банкларининг ривожланишига ҳамда барқарор фаолият кўрсатишига кўмаклашиш мақсадида:***

1. Республика банк кенгаши тузилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Республика банк кенгаши доимий ишловчи коллегиал орган бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобот беради.

2. Республика банк кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгилансин:

банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, банк қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

мунтазам таҳлил асосида макроиқтисодиёт ва бюджет сиёсати билан ўзаро боғлиқ бўлган пул-кредит сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, шу сиёсатнинг иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча томонларини ислоҳ қилиш мақсадли вазифалари ҳамда устувор йўналишларига, мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга доир қабул қилинган комплекс дастурларга мувофиқлигини аниқлаш;

миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, пул тизимини мустаҳкамлаш, пул массасининг ўсишини чеклаш ҳамда банкдан ташқари айланмани камайтириш, пул айланмасида нақд ва нақдсиз пул массасининг мақбул нисбатини таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

аҳолининг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, пул маблағларининг банк омонатларига жалб этилишини рағбатлантириш, фуқаролар омонатлари ҳимоя этилиши кафолатларининг кучли механизмини яратиш борасидаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

тижорат банкларининг инвестиция жараёнида ва иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида иштирок этишини фаоллаштиришга қаратилган қўшимча иқтисодий омилларнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;

валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, банклараро валюта бозорини ривожлантириш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш, олтин-валюта захиралари барқарор ва муттасил кўпайиб боришини таъминлаш, давлатнинг валюта маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

республиканинг банк тизимини ҳамда банклараро муносабатлар механизмини ривожлантириш ва такомиллаштириш, тижорат банкларининг мустақиллигини, улар фаолиятининг ишончлилиги ва барқарорлигини ошириш, уларнинг халқаро кредит рейтингини кўтариш, халқаро молия-кредит тизимига кенг кўламда қўшилиш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

3. Республика банк кенгаши тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Марказий банки манфаатдор тузилмалар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.Голишев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2002 йил 15 ноябр*

# ЎЗБЕКНИНГ БАЙРОҒИ - ИҚБОЛИДЕК ЁРҚИН, ҒУРУРИДЕК САРБАЛАНД

**18 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганига 11 йил тўлади**

***Байроқ - давлатнинг тузумини, шу давлатда яшовчи халқнинг табиати, менталитети, иқтисодий асослари ва бошқа муҳим белгиларини англатадиган герб, миллий валюта, мадҳия каби энг муҳим тимсоллардан бири.***

***Байроқнинг ёши нечада? Унинг илк ихтирочиси ким?***

Тарихий манбаларда айтилишича, мустақил давлат ва унда яшовчи фуқаролар дахлсизлиги ифодаси ҳисобланувчи бу рамзни яратиш ғояси илк бор минг йиллар муқаддам қадимги овчилар ва жангчилар орасида туғилган. Дастлабки байроқлар ҳайвон териси ёки қуш патларидан ясалгани ва уларда турли жонзотлар тасвирини акс эттириш анъанага айлангани ҳам шундан далолат беради.

Даставвал байроқ аждодларимизга жанг ёхуд сафарлар чоғида ўз йўлбошчиларини кўз-кўз этиш ва уни ўзлари ҳам кўриб туришлари, шунингдек, дўст-душманни олисдан таниб олишлари учун ниҳоятда зарур бўлган.

Демак, байроқ давлатнинг рамзий белгиларидан бири сифатида шаклланишнинг узоқ тарихий йўлини босиб ўтди. Ҳозирги даврда давлат байроғининг аҳамияти юксак. Бунинг сабаби шуки, халқларнинг мустақиллик учун кураши ва бу йўлда эришган ғалабаси, жумладан, улар тузган давлатнинг байроғида ҳам намоён бўлмоқда.

Башарият тарихининг барча даврларида барча халқлар учун ўз давлат рамзлари, хусусан, давлат байроғи Ватан тимсоли сифатида азиз ва муқаддас саналган.

Мисол учун, Америка Қўшма Штатлари халқи учун фожеали кунларда - 11 сентябр воқеаларидан сўнг америкаликлар дори-дармон, озиқ-овқатга нисбатан давлат байроғини харид қилиш учун кўпроқ жаҳд этганини эслайлик. Ватанпарварлик туйғусининг ана шундай ўзига хос юксак намойишини кўриб, эшитиб таъсирланмаган кишилар кам топилса керак.

Йигирма йилдан кўпроқ давом этган уруш барҳам топгандан сўнг тузилган Афғонистон муваққат ҳукуматининг дастлабки қарорларидан бири ҳам айнан давлат байроғини қабул қилиш масаласига бағишлангани бежиз эмас.



Мамлакатимизда бугун ўн бир йиллиги нишонланаётган ўз давлатимиз байроғи тарихига тўхталадиган бўлсак, бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фидокорона саъй-ҳаракатларини эҳтиром билан тилга олмоқ керак.

Зеро, Юртбошимиз ташаббуси билан ҳали собиқ иттифоқ, унинг куч-қудрати, сиёсати, давлат рамзлари амалда бўлиб турган қалтис бир пайтда - 1990 йил март ойидаёқ давлат рамзлари ҳақидаги масала парламент сессиясида муҳокама қилинганди.

Орадан кўп ўтмай - ўша йили 20 июнда қабул қилинган Мустақиллик декларациясида Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилаши ва байроқ, герб, мадҳия каби давлат рамзларини ўзи таъсис этажаги қайд этилди.

Истиқлол бу борадаги изчил изланишларга янги куч ва илҳом бағишлади. Ва ниҳоят, 1991 йил 18 ноябр куни Олий Кенгашнинг еттинчи сессиясида мамлакатимиз давлат суверенитетининг рамзларидан бири - Ўзбекистоннинг давлат байроғи тасдиқланди.

Байроқдаги мовий ранг мусаффо осмон ва обиҳаёт рамзидир. Мовий ранг - Шарқда алоҳида ардоққа эга. Тимсоллар тилида бу яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон-шуҳрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, бобокалонимиз Амир Темур ҳазратлари давлати байроғи ҳам мовий рангда эди.

Оқ ранг - тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва поклик, коинот ёритқичлари билан уйғунлашиб кетади. Бу - беғуборлик, софлик, орзу ва хаёллар тозалиги, ички гўзалликка интилиш, демакдир.

Қизил чизиқлар - вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат ирмоқлари. Шу билан бирга, мавжуд бирлик ва бузилмас дўстликка ҳамда истиқлолга эришиш учун юртимиз фарзандлари қон тўкканлигига ишора ҳамдир.

Яшил ранг - табиатнинг янгиланиш рамзи. У навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади.

Халқ идрокида байроқнинг юқори қисми Ўзбекистоннинг доим мовий осмонини, байроқ ўртаси халқимизнинг оқ кўнглини, байроқнинг туб қисми эса бизнинг чексиз далаларимиз ва табиатимизни ифода этади.

Яримой тасвири тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ. Давлатимиз байроғидаги 12 юлдуз тасвири тарихий анъаналаримиз, қадимги қуёш йилномамизга бевосита алоқадордир. Бу юлдузлар тасвирини халқимиз маданияти қадимийлиги, унинг комилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши рамзи сифатида тушуниш лозим.

Бошқача айтганда, давлатимиз байроғи - юртимиз ўтмиши, бугуни ва келажагининг ёрқин тимсолидир. Унда халқимизнинг тийнати, орзу-ўйи, маслак-мақсадлари мужассам.

Бу буюк тимсол бугунги кунда мамлакатимиз Президенти саройида, Олий Мажлис, Ўзбекистон ҳукумати, маҳаллий давлат идораларида, Ўзбекистоннинг турли ваколатхоналари иш олиб бораётган хорижий мамлакатларда, БМТ ва бошқа қатор халқаро ташкилотлар қароргоҳида мағрур ҳилпираб турибди.

Байроғимизни мамлакат доирасидаги турли тантаналар чоғида, шунингдек, юртимиз делегациялари қатнашаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар ва нуфузли спорт мусобақаларида кўтариш яхши анъанага айланди.

Бу тимсол ҳар бир ўзбек учун, ўзбекистонлик учун она Ватан каби азиз ва муқаддас. Зотан, юрт байроғида юрагимиз, меҳр-муҳаббатимиз, ғурур ва ифтихоримиз ҳамда Ватанга, халққа, Президентимизга, ёруғ истиқболимизга комил ишончимиз ва садоқатимиз шоён акс этиб турибди.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси.**





«Ангренгазмаш» очиқ акционерлик жамияти касаба уюшма қўмитаси ишчи-хизматчиларнинг унумли ишлаши, кўнгилли дам олиши юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширмоқда. Қарс икки қўлдан деганларидек, бу ерда меҳнат унумдорлиги ортиб, иқтисодий кўрсаткичлар йил сайин яхшиланиб бормоқда. Эътиборлиси шуки, ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши 43 минг сўмни ташкил этмоқда.

***Суратларда: корхона илғор ишчилари (ўнгдан) Алимардон Йўлдошев ва Искандар Холмирзаев.***

**Ғ.ХИДИРОВ**
**олган суратлар.**

*Ўз ерининг ҳақиқий хўжайинлари*

# ФЕРМЕРНИНГ ДАЛА «ОФИСИ»

Арнасой — Зафаробод йўлининг Бобо Файзиев номли ширкат хўжалиги қўрғонидан бироқ юрсангиз, шундай бир масканга дуч келасиз. Кўриб, чет элдаги каби «ранчо» дейсиз. Йўлнинг икки тарафида осмонўпар Калифорния тераклари, бир-бирига туташ пахтазор ва ғаллазор майдонлари ястаниб ётибди. Ихчамгина, шинам дала шийпони фермер «офиси»га айлантирилган. Ишчиларнинг меҳнатдан сўнг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Хона тўрида видео-телевизор, чет эл мебел-жиҳозлари тартиб билан қўйилган. Айникса, дала шийпонида компьютернинг борлиги...

Эндигина ўттиз ёшларни қоралаган фермер йигит Отабек Ғойибоев 1994 йили «Бўстон» фермер хўжалигини ташкил этди. Ихтиёрига 160 гектар ер берилди. 16 нафар кишини ишга олди. Дала шийпони деҳқоннинг иккинчи уйига айланди. Уларга ҳар куни икки маҳал бепул иссиқ овқат тайёрлаб берилаяпти. Фермер дала шийпони атрофи гулу гулзорга айлантирилган. Дов-дарахтлар шийпон кўркига кўрк бағишлаб турибди.

— Моддий манфаатдорликка кўп нарса боғлиқ, - дейди фермер йигит. — Уйингиз донга тўлдими, энг катта давлат шу.

Суҳбатдошимиз рақамларни шунчаки келтирмайди. Унинг одамларга қандай нафи борлигини мушоҳада қилиб сўзлайди. Фермер хўжалиги жамоаси жорий йилда 130 гектар ерда ғалла етиштириб, давлат буюртмасида белгиланган 460 тонна ўрнига 467 тонна дон топширгани, 30 тонна ошиқча ғаллани ўзларига олиб қолганлиги ҳақида гапирди. Ҳар бир ишловчига 1 тонна 200 килодан, кам таъминланган оилаларга 3 тонна буғдой тарқатилганини мамнуният билан сўзлайди.

Биргина ғалланинг ўзидан ҳар йили 2-3 миллион сўм даромад кўришмоқда. Пахтадан ҳам ана шунча миқдорда фойда олишаяпти.

— Механизатор ва сувчиларимиз 36 минг сўмгача ойлик маош олишади. Яна шунга қўшимча йил охирида ишчиларга ўсимлик ёғи, кунжара ҳам улашамиз, - дейди Отабек. — Ишчиларимизнинг яшаш шароити кун сайин яхшиланиб бормоқда. Тўй-маъракалар тез-тез бўлиб турибди. 5 нафар ишчимиз шахсий автомашинага эга бўлди. 35 минг туп терак экканмиз. Олди иморат боп бўлиб қолди, уй қураётган ишчиларимиз корига яраяпти.

Отабек Ғойибоев саховатли фермерлардан. Фермер хўжалиги ҳудудида ташкил этилган 2 гектар боғда етиштирилган мева-чеваларни мактаб ва боғча болаларига бепул тарқатмоқда. Кам таъминланган оилаларни, ёлғиз кексаларни байрамларда йўқлаб турибди. Ҳам моддий, ҳам маънавий мадад қўлини чўзмоқда.

**Н. БЎРИБОЕВ.**

*Масала кўндаланг қўйилади*

***Саноат ходимлари ўртасида сифатли маҳсулот тайёрлаш бўйича Испанияда ўтказилган халқаро танловда «Зирабулоқ» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти «Сифат асри» мукофотига сазовор бўлди. Корхона ишчи-хизматчилари меҳнатига берилган юксак баҳо улар қалбида фахр-ифтихор ҳиссини уйғотди. Хўш, ана шу ишчининг ўзи бугун кутилган даражада ҳимояланганми, унинг меҳнат қилиш, дам олиш ва бошқа иқтисодий-ижтимоий манфаатлари кафолатланганми?***

# ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

## расмиятчилик учунми?

Ҳиссадорлик жамияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси нафақат ишчилар, балки корхона манфаатларини акс эттирувчи меъёрий ҳужжатдир. У умумий йиғилиш тасдиғидан ўтгандан сўнг ҳеч қандай эътироз ва ўзгартиришга эҳтиёж қолмайди. Жамоанинг 2002 йил учун тузилган шартномасида ушбу корхона ишловчиларига ҳам республика Меҳнат вазирлигининг, 1993 йил 3 февралдаги қарори асосида махсус кийим-бош, оёқ кийим ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини бепул бериш, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси аҳволини яхшилашга 3 миллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. Таассуфлар бўлсинки, бу борада белгиланган тадбирлар қоғозларда қолиб кетмоқда. Омбор ишчилари Хумор Файзуллаева, Саломат Абдураҳмонова, 3-бригада ишчилари Йўлдош Жамилов, Фотима Раҳимова, таъмирлаш бўлимидан Ўктам Сахаддинов, Ўткир Негматов, Соҳиб Абдираҳмоновларнинг айтишича, уларни яқин йиллар ичида махсус кийим-бош билан таъминлашмаган. Қарангки, зарарли ишда ишловчилар бепул сут-қатиқ берилиши лозимлигини, ҳатто шартномада ҳар бир ишловчига кунига 100 сўмдан овқат пули ажратилганини билишмайди ҳам. Энди мазкур ҳужжатнинг ишчилар муҳокамасидан қандай ўтганини тасаввур қилаверинг.

Рентабеллик ва манфаатдорлик йилдан-йилга ошиб бораётганини мақташаётган корхонада ишловчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 12-14 минг сўмни ташкил этаяпти, холос. Бу ҳам етмагандек, пахта қабул қилиш мавсуми бошланган икки ойдан бери бир сўм ҳам маош олишмаган. Ҳисобхонадан олинган маълумотга қараганда, шартномада ҳар ойнинг ўнинчи кунигача тўланиши белгиланган иш ҳақидан қарздорлик 12 миллион сўмга етибди...

Соғломлаштириш тадбирларига ҳам панжа орасидан қаралмоқда. Бу ерда ишлаб турган соғломлаштириш пунктига ҳатто дастлабки, ёрдам учун дори-дармон ажратилмаган. Яқиндагина корхона касаба уюшма қўмитаси раиси бўлган Иззат Негматовнинг гувоҳлик беришича, бу йил ёзги оромгоҳларда 23 бола соғломлаштирилган. Лекин шу пайтгача 230 минг сўмлик йўлланма пули агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси ҳисобига ўтказиб берилмаган. Корхонада яхшигина бокс клуби бўлиб, Нарпай туман халқ таълими бўлими унинг фаолияти, мураббийларнинг сарф-харажатини ўз зиммасига олгани учун мунтазам ишлаб келмоқда. Шартномада спорт тадбирлари учун 850 минг сўм ажратилиши кўзда тутилган бўлсада, мана йил охирлаяпти ҳамки, амалий ижросига ҳануз киришилганича йўқ.

Корхона раҳбарияти шартномани шунчаки расмият учун тузиладиган ҳужжат, деб билмоқда чоғи. Биз демократик ҳуқуқий жамият қуриш йўлидан дадил бораяпмиз. Бизда ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқи қонун асосида кафолатланган. Шундай экан, жамоа шартномасига бўлган бундай муносабатни қандай тушуниш керак?

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Асосий Қонунимиз яшамоқда, амал қилмоқда*

# 2. ДЕМОКРАТИЯ

## Конституция ва қонунлар доирасида эркинлик демакдир

Демократиянинг яна бир муҳим шакли давлат ва жамият ҳаётига таааллуқли бўлган муҳим масалаларни халқнинг кенг муҳокамасига ва умумий овозига (референдумга) қўйиш ҳисобланади. Референдум орқали фуқаролар ўзларининг хоҳиш-иродаларини бевосита ифода этадилар. Бу халқ муҳокамасига қўйилган масала юзасидан халқнинг овози ҳал қилувчи овоз бўлиб ҳисобланади ва бирон бир бошқа орган томонидан тасдиқланишга йўл қўйилмайди.

Деярли барчамиз Ўзбекистон Республикаси халқ референдумларининг қатнашчиси бўлганмиз. Масалан, 1991 йилнинг 30 декабрида ўтказилган референдумда Ўзбекистон халқи давлат мустақиллиги эълон қилинганлигини якдиллик билан қўллаб-қувватлаб овоз берди. Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқариш ҳуқуқларини бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш шаклларида амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар»дейилади. Асосий қонунимизнинг ушбу моддасида белгилаб қўйилган ҳуқуқлар, аввало, ўзларининг аниқ мақсадлари ва вазифаларини кўзлаб, фуқароларнинг сиёсий фаолиятларини ривожлантириш ва уларнинг кўп қиррали манфаатларини қондиришга мувофиқ келувчи ташкилот ва бирлашмалар тузишда, ихтиёрий ва бошқа фуқаролар билан тенг асосларда ҳаракатдаги жамоат бирлашмалари ва оммавий ҳаракатларга кириш ва аъзо бўлишда, жамоат бирлашмаларининг мақсади ва низомидаги вазифаларни бирон бир тўсиқсиз амалга ошириш, унинг ҳимояси ва аъзоликдан келиб чиқувчи ҳуқуқлардан фойдаланишда ва ниҳоят улар жамоат бирлашмалари орқали жамият ва давлатни бошқариш ишларида қатнашишида ифодаланади.

Ўзбекистон Конституцияси жамоат бирлашмалари низомларида белгилаб қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш имконини кафолатлайди ва бу кафолат фуқароларнинг уюшишга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун далилий ва ҳуқуқий асос бўлади. Бу ҳолат давлат жамоат бир-




лашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига бирон бир тарзда аралашишига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида амалдаги қонунларга мувофиқ рўйхатга олинган ва фаолияти қонуний бўлган жамоат бирлашмалари ҳуқуқларини ва манфаатларини мулкий зарарлардан ва жиноий тажовузлардан ҳам ҳимоя қилади. Давлат фақат қатъий белгилаб қўйилган яъни жамоат бирлашмаларини ташкил этиш тартиби, меҳнат қилиш шароити, бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлари кабиларни тартибга солади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, жамоат ташкилотлари шаклланишининг ички таркиби ва фаолияти масалаларида мустақилдирлар. Кўриниб турибдики, Конституциямиз давлат тузилмалари ва жамоат ташкилотлари бемалол фаолият кўрсатишлари учун барча ҳуқуқий асосларни яратиб берган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» деб кўрсатилган. Шунга кўра ҳар бир одам қандай фаолият билан шуғулланиши, қандай касб ва мутахассисликни эгаллаши, қандай ишни танлаши масалаларини ўз манфаатлари ва эҳтиёжларига кўра ўзи ҳал этади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига мувофиқ ишга қабул қилишни асоссиз рад этиш таъқиқланади, жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, динга бўлган муносабати, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек, ходимнинг ишчанлик сифати билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолларга қараб, ҳеч қанақа афзалликлар белгилашга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари бизда фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг асосий кафолатлари, яъни меҳнатга давлат томонидан белгиланган энг кам миқдордан паст ҳақ тўламаслик, иш вақтининг энг кўп муддати, меҳнат таътилининг энг кам муддати, меҳнат қилишнинг хавфсиз шароитларини таъминлаш бевосита қонунлар билан мустаҳкамланганидир. Бу кафолатлар ходимларни қаерда ишлаши ва қандай ишни бажаришларидан қатъий назар барча учун таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 5-моддасига мувофиқ меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномаларнинг ходимлар аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий деб ҳисобланмайди. Шуларга кўра корхоналарда қабул қилинадиган ҳужжатлар, ходим билан корхона ўртасидаги шартномада меҳнат шароит ларини яхшилаш кафолатлари берилиши мумкин.

**А.АЛИМУҲАМЕДОВ,**
**ЎзКУФКнинг ҳуқуқий бўлими мудири.**





Давлатобод туманидаги кўп тармоқли «Назарбек» хусусий фирмасида омилкор, бозор талабини яхши биладиган мутахассислар фаолият юритишмоқда. Улар томонидан таёрланаётган буюртмалар ўзининг сифатлилиги билан ажралиб туради. Мўъжазгина цехларга замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилганлиги мақсадга эришишда муҳим рол ўйнамоқда.

**Суратларда: хусусий фирма ходимлари ҳаётидан лавҳалар.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**

*Репродуктив саломатлик*

# ОИЛАДА ТИББИЙ МАДАНИЯТ

***Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қашқадарёда ҳам 2005 йилгача соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси ишлаб чиқилди. Белгиланган дастур асосида Қарши шаҳрида тиббий хизматни яхшилаш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш соҳасида бир мунча ишлар амалга оширилди.***

Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилаяпти.

«Она ва бола», «Соғлом авлод» давлат дастурига мувофиқ қавм-қариндошлар ўртасида ва эрта ёшдаги никоҳнинг олдини олиш, репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантиришга қаратилган ташкилий тадбирлар амалга оширилаяпти.

Шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, марказий касалхона, «Нуроний», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Экосан» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакилларидан ташкил топган тиббий ёрдам кўрсатиш гуруҳлари шаҳарнинг 64 та маҳалласида бўлиб, оилаларнинг тиббий маданиятини ошириш хусусида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришаяпти. Шифокорлардан Роҳила Усмонова, Муяссар Имомова, Каромат Норчаева, Музайям Хидирова, Ибодат Абдиқодировалар, Бузрукобод, Махалот, Қарлиқбоғот, Гунгон, Ҳарамжўй, Дарвозатутак маҳаллаларида «Онаси соғнинг боласи соғ», «Соғлом авлод келажак пойдевори», «Бола тарбиясида ота-онанинг ўрни», «Оилани соғломлаштириш» тўғрисида мулоқотлар ўтказдилар.

Айниқса, Қарши Давлат Университети билан ҳамкорликда уюштирилган «Соғ танда соғлом ақл» мавзусида илмий-амалий конференция фаолларда катта таассурот қолдирди.

Анжуманда тажрибали профессор ва шифокорлар гиёҳвандлик ҳамда ОИТСдан ёшларни ҳимоя қилиш ва уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ўсмир қизларнинг гигиеник тарбияси, ҳомиладорлик даврида шахсий гигиена, гинекологик беморларни даволаш усуллари, юрак-қон томирлари ва камқонлик касаллигининг олдини олиш мавзуларида фикр алмашилди. Шаҳардаги 43 та мактабнинг 6-7 синф ўқувчи қизлари билан репродуктив саломатлик ва балоғат даври дастури асосида 8 соатлик дарс машғулотлари олиб борилди. Оилада соғлом фарзандлар туғилиши учун ҳомиласи 14 ҳафтагача бўлган аёллар она ва бола скрининги марказида текширувдан ўтказилаяпти.

– Оиланинг тиббий маданияти оширилса, аёллар ва болалар янада соғлом ўсади, – дейди шаҳар марказий касалхонаси бош врачи, тиббиёт фанлари номзоди Шерали Нурматов. – Марказий шифохона, туғруқ мажмуаси, болалар поликлиникалари касалликларга ташхис қўядиган замонавий тиббий ускуналарга эга. Айни пайтда 84 нафар болалар врачлари, кўплаб ўрта махсус маълумотли ходимлар ёш авлод соғлиги йўлида фидойилик кўрсатаяпти.

Шаҳарда 55776 нафар туғиш ёшидаги аёллар бўлиб, уларнинг 99,8 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди, 34753 таси амбулатория ва стационар шароитида соғломлаштирилди. Тўққиз жойда ташкил этилган «Оналар мактаб»ларида бола парваришлаш бўйича машғулотлар олиб борилаяпти. Шаҳар фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими ҳузурида ёшларни соғлом оила қуришга тайёрлаш курслари ишлаб турибди.

Октябр ойида тиббиёт коллежида республика акушер-гинекологларининг симфозиуми ўтказилди.

Унда Америка компаниясининг Шарқий Оврупо бюроси директори Дитмар Фидлер, бўлим бошлиғи, профессор Дэвид Киаварелла, республика соғлиқни сақлаш Вазирлигининг бош акушер-гинекологи Саидазим Султонов, доцент Турсуной Чўлиева, профессор Дилбар Нажмиддиновалар мавзу юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Аёллар ва болалар соғлиги – энг катта бойлик. Тиббий маданият оилада шаклланар экан, боланинг соғлом туғилиши учун нафақат аёллар, эркаклар ҳам масъулдир. Фарзанд кўришда оралиқни сақлаш, кам қувват оналарни соғломлаштириш, аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш, хотин-қизлар ва болаларни сервитамин озиқ-овқатлар билан таъминлаш оила бошлиқлари зиммасига тушади. Маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда тарбиявий ишларни бевосита яшаш жойларига кўчириш пайти келди.

**И.ИСОМИДДИНОВ.**

***Сурхондарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотга кўра, келгуси йил ҳосили учун 101 минг гектар, жумладан 95 минг гектар суғориладиган майдонга дон экиш режалаштирилган.***

Ҳозиргача асосий майдонларга дон экиб бўлинди, яъни 94,8 фоиз майдонга ғалла сепилди. Қарийб 49 минг гектар майдонда яшил майсазорлар пайдо бўлди. Илғор ширкат ва фермер хўжаликлари дастлабки ишловга киришганига ҳам анча бўлиб қол-

## ЯХШИ НИЯТ

ди. Майсаларни озиқлантириш ва суғориш агротехника қоидалари асосида олиб борилмоқда. Умуман, воҳа ғаллакорлари етарли тажрибага эга. Аммо бугун уларни бир муаммо - минерал ўғит муаммоси ташвишлантирмоқда. «Ўзқишлоққимётаъминот»нинг вилоят ва туман тизимларида минерал ўғит таъминоти кўнгилдагидек эмас.

Дон экишдан олдин сепиладиган аммофос ўғити, азотли ўғитлар таъминотида узилиш кузатилмоқда. Вилоят бўйича ҳар гектар ғалла майдонига 100 килограммдан аммофос сепиш меъёр қилиб белгиланган. Ер бонитети турлича экани ҳисобга олинса, бундай тақсимотдаги тенглик усули охир-оқибат панд бериб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Бошқа тур минерал ўғитлар тақсимотида ҳам шундай манзарани кузатиш мумкин.

**(ЎзА)**

*Иқтисодий ислоҳот мевалари*

# РАҲБАР ОМИЛКОРЛИГИ

***Гоҳо кўп нарса раҳбарга, унинг омилкорлигига боғлиқ, деган гапнинг ҳақлигига иймон келтирасан. Кейинги пайтларда Мингбулоқ агрофирмасида иш орқага кетиб, тармоқ шохобчалари бирин-кетин фаолиятини тўхтатаётган эди. Шунда туман ҳокимлиги тўғри йўл тутди. Бошлиқ ўзгартирилди. Ташкилотга узоқ йиллар аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб, тажриба орттирган Абдулходи Боқиевни тайинлади. Қарабсизки, ташкилотда аҳвол қисқа вақт ичидаёқ тамоман ўзгариб кетди. Қуйида мазкур агрофирмага қарашли қишлоқ хўжалик маҳсулотларни қайта ишлаш корхонасидан ҳикоя қиламиз.***

Яқинда пойтахтдан келган ҳамкасб дўстим билан туман марказидаги савдо дўконларини айландик. Дўконлар ўзимиз кўриб келган қатор туманлардаги савдо шохобчаларига чоғиштирганда пештахталар турли хил озиқ-овқат маҳсулотларига анча тўлиқ вахилма-хил эди. Айниқса, шиша банкачалардаги бир-биридан чиройли ёрлиқлар ёпиштирилган ширинликлар, мева ва бошқа турдаги қиёмлар, шиннилар ҳавасингизни келтирарди.

–Бу тумандаги савдо ходимлари ўз ишларига анча ҳавасманд экан,- деди меҳмон пештахталарга имо қилиб. - Ахир, бу нарсаларни бошқа жойларда учратмадикку ! Тўғрими?!

Қизиқишимиз устун келиб, сотувчилардан маҳсулотларни қаердан келтиришаётганликларини суриштирдик.

–Булар ўзимизда тайёрланади. Тўғрироғи, туман агрофирмасига қарашли корхонада ишлаб чиқарилади,- дея жавоб қайтаришди сотувчилар.

Шу воқеа сабаб бўлди-ю орадан бир мунча фурсат ўтгач, мен ушбу турдаги қишлоқ хўжалик ва боғдорчилик маҳсулотларни қайта ишлаш корхонасига бордим.

Корхона раҳбари Абдурасул Усмонов очиққина, самимий йигит экан. Дарров тил топишдик.

–Бу корхона аслида Амир Темур номли ширкат хўжалигига қарайди,- дея гапириб берди у. – Лекин узоқ йиллардан бери тўхтаб қолган хўжалик уни юргизишнинг уддасидан чиқа олмаётган эди. Йил бошида агрофирмамизнинг янги раҳбари Абдулходи Боқиев уни хўжалик бошқаруви билан келишиб, ишлатиб туриш учун ташкилотимиз ихтиёрига ижарага олди. Албатта, машиналари ва бошқа дастгоҳлари анча эскириб, ишдан чиққан корхонани қайтадан юргизиш осон кечмади. Лекин, раҳбаримиз ишнинг кўзини биладиган одам. Уддасидан чиқди. Икки-уч ой ичида корхона маҳсулотни қайта ишлайдиган даражага келди. Шундан кейин биз ёшлардан корхонада ишлашга қабул қилиш учун эълон бердик. Кўплар хоҳиш билдирди. Улар орасидан қўлидан иш келадиган, дастгоҳни бошқаришни уддалайдиганларини қабул қилиб олдик.

– Биз корхонани Момохон қишлоғида очганимизга сабаб шуки, – дейди бу мавзуда суҳбатлашганимизда агрофирма раҳбари А.Боқиев. – Биринчи галда ташландиқ бўлса-да, мавжуд корхонани ишга солиш қийин эмас. Иккинчидан, қишлоқ туманда аҳоли қалин яшайдиган масканлардан. Ширкат хўжалигининг ўзи ҳаммани иш билан таъминлашга қодир эмас. Арғамчига қил қувват, деганларидек, озроқ бўлса-да, бекор юрган ёшларнинг бир қисмини меҳнат ўринлари билан таъминлашга ҳиссамиз қўшиляпти-ку, ахир!

Юқоридаги ҳар икки раҳбар ходимнинг фикрига тўла қўшилган ҳолда шу нарсани ҳам таъкидламоқчимизки, туман марказидан ўн беш, вилоят марказидан эса салкам қирқ чақирим олисда яшайдиган қишлоқ аҳолиси учун бу ҳол катта қулайликлар яратиб берди. Эндиликда улар меҳнат ва машаққат билан етиштирган маҳсулотларини қанчадан-қанча пул сарфлаб сотиш учун шаҳарга олиб бориш машаққатидан халос бўлдилар. Бевосита қишлоқнинг ўзидаги корхонага топшириб, пулини нақд санаб олмоқдалар. Қолаверса, корхонада ишлаб чиқарилган сервитамин маҳсулотлар билан қишинёзин дўконларнинг пештахталарини тўлдириб турганлиги. Бундан аҳоли фойдаланаётганлиги, саломатликлари наф кўраётганлигини айтиб ўтмасак ҳам бўлади.

– Шу йилги мавсумнинг ўзида ҳозиргача 3 минг дона шартли банка помидор томати ва қиёмини, қовун мураббосини, шафтоли компотини тайёрладик. Ҳозир Янгиқўрғон туманидан келтирилган олхўридан қиём ва мураббolar тайёрлаш билан бандмиз, – дейди корхона раҳбари А.Усмонов.

Кейин хайрлашишимиз олдидан кулиб қўшиб қўйди: – илғор ишчиларимизни ёзмоқчи бўлсангиз Неъматжон Турсунов, Дилором Ўроқова, Мадина Аҳмедова, Эсонали Қўйлиевларни албатта қўшиб қўйинг.

Мен корхона раҳбари илтимосини бажардим.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ўз уйингни ўзинг асра*

# КЎНГИЛСИЗЛИК

## БЕКОРЧИЛИКДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИ

«Туркистон» ширкат хўжалиги қўшни Қозоғистон Республикасининг Еттисой тумани билан ёнма-ён жойлашган. Хўжалик қўрғони «Гулзор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳисобланиб, унда 1500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 714 нафарини ёшлар ташкил этади. Уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиб олишида «Бир болага етти қўшни ота-она» деган нақлга амал қилиниб, тарбиявий-ташкилий ишлар олиб борилаяпти.

— Аксарият кўнгилсизликлар бекорчиликдан келиб чиқади, - дейди хўжалик раҳбари Мавлон Хурсандов. — Ҳисоблаб чиқсак, хўжалигимиз ҳудудида 21 нафар ёшлар ҳеч қаерда ишламас экан. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда уларни иш билан таъминлаш чора-тадбирларини кўриб чиқдик. Хўжалигимиз туман марказидан 50 километр узоқликда жойлашган. Уларнинг туманга бориб ишлашларига имконият йўқ. Хўжалигимиз ҳудудидаги кичик ғишт ишлаб чиқариш заводи анча йилдан бери тўхтаб турганди. Уни ишга тушириш натижасида ўнга яқин ёшлар ишга жойлаштирилди. Шунингдек, 6 нафар ёшлар Арнасой сув омбори қурилишига юборилди. «Гулзор» қишлоғида ўрта мактаб, қишлоқ врачлик пункти, 90 ўринли болалар боғчаси, кутубхона ёшлар ихтиёрида. 6 та савдо дўконлари, суратчилик, этикдўзлик, телерадио устахонаси, 3 та тегирмон ишлаб турибди.

Қишлоқда ўнга яқин миллат ва элат вакиллари дўст ва иноқ яшашмоқда. Тўй-маъракалари ихчам, файзли ўтмоқда. Қуда-анда бўлиб кетишган. Бу ерда огоҳлик, ҳушёрлик ҳаёт тарзига айланмоқда. Участка нозирлари посбонлар, қишлоқ оқсоқоллари билан баҳамжиҳатликда иш олиб боришаётир. Хонадонларга келиб-кетувчилар, шахси номаълум кимсалар тезда аниқланиб, назорат остига олинмоқда. Кимнингдир ножўя ҳаракатини сезишса, кўплашиб тартибга чақиришади. Кези келса амалий ёрдам беришади.

— Қишлоғимиз халқи тинч ва осуда ҳаёт кечиришмоқда, - дейди «Гулзор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳошим Абдиев. — Фуқаролар йиғини қошида 6 гуруҳдан иборат комиссия ташкил этилган. Масалан, тўй-маъракаларни тартибли ўтказиш, яраштирув комиссиялари... Ҳатто, шундай бир комиссия тузганмизки, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, кузатув гуруҳи ташкил этдик. Улар шахси номаълум бўлган, бошқа ҳудудлардан келган кишиларни кузатиб, суриштириб, тегишли идораларга маълум қилишади.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**



# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

## БИЗ КИМ, КЕКСАЛАР...

### Қайдлар

Ҳассага таяниб боққа кирган чол хира кўзларини баҳайбат кекса ўриққа тикиб, сас-садосиз дейди:

– Қаридик, оғайни, қаридик. Ёдингдами, сени ўтқазганимга бу баҳор олтмиш йил тўлди. Раҳматли кампирим бўғзингдан ушлаб турган, ўтқазиб бўлгач, анави ариқдан бир сатил сув келтириб остингга қуйган эди. Сен ўкинма, умринг самарали бўлди. Мўл-кўл мева бердинг. Данагинг бутун қишлоққа тарқалиб, ҳамма ёқ зардолизор бўлиб кетди. Баркашу, лаганларни тўлдириб, не-не меҳмонларга пешкаш қилдим. Мана, тагингда яна бултурги данакларингдан юзлаб ниҳоллар ниш уриб турибди. Ҳали юз йиллаб яна одамларга ризқ-насиба бўласан. Лекин, мустаҳкам тур, ўрикжон...

Мен ҳам, шукур, узоқ яшадим. Фарзанд, невараларим қобил чиқишди. Авлодларимиз бутун вилоятга тарқалиб кетган. Яхши яшадик, ўрикжон...

Чол шундай деди-ю, тепага тикилган нурсиз кўзларини хиёл юмди. Кўз ёши томоғларига тиқилди, нафас олиши ўзгарди. Зўрға ютиниб деди:

– Майли, мен борай, мабодо кўришолмасак, хайр...

* * *

Қишлоқда тонгни энг аввал кексалар қаршилашади.

Қуёш энг аввал кексалар билан юзлашади.

Тонгда айтилган азон Оллоҳ йўлида бўлганларни уйқудан уйғотади. Уларнинг кўпи кексалар бўлади.

* * *

Кексалар узоқни ўйлаб, уруғлик ҳақида энг кўп қайғурадилар. Энг сара ҳосил уруғи авлоддан-авлодга кексалар қўли билан ўтади.

Битмас-туганмас ҳикмат экан-да, бу кексалик дегани...

* * *

Чолнинг қизиқ одати бор. Фарзанд, невараларининг туғилган кунларида бир жуфт кўчатми, бир кафт анвойи мева уруғи ёки данагиними кўтариб боради. Неваралар ҳали бу «совға»нинг қадр-қимматини яхши тушунмайдилар, унинг таг-томирига етмайдилар. Улар «ширин сақич» келтирган хола-аммаларини севишади.

Худо умр берса бир кун бобо келтирган данаклардан мўл-кўл ҳосил битади, ризқ-насиба унади. Шунда улар боболари бир умрлик совға бериб кетганликларини тушуниб етадилар.

Ҳозирча у «арзимас» совға...

**Музаффар ТУРСУН.**

### Биласизми?

У юзига ҳаво ўтказмайдиган махсус ниқоб тутиб олди. Лекин нафаси қайтмади. Сониялар ичида дақиқалик юрак уриши сонини 74 тадан 52 тага камайтирди. Бир зумда қўлидаги кичкина жой терисининг ҳароратини 10 даражага оширди. Бу ҳаракатлар натижаси замонавий ускуналар ёрдамида кузатиб қайд этиб борилди.

## ЙОГА – ЁШАРИШ МАШҚИ

Бу мўъжизалар бутун дунёга танилган ҳинд йоги Свама Рамага тааллуқли эди.

1981 йилда 85 ёшида вафот этган машҳур йог Дауджигири ҳаётининг охирги 15 йилини қўлларида юриб ўтказган. Врачлар унинг касал оёқларини кесмоқчи бўлишганида у ана шундай ҳаёт йўлини танлади.

«Йога» сўзи «алоқа», «иттифоқ», «уюшма» деган маъноларни билдиради. Йога биринчи навбатда фан, сўнг эса диний-фалсафий билимдир. Йога усталари кўплаб ўн йилликлар мобайнида инсон баданининг турли имкониятларини ўрганиб, жисмоний, руҳий, ақлий, аҳлоқий тизимларни яратдилар. Ана шу тажриба-малакалар асосида етук йоглар ўз аъзоларини тўлиқ назорат қила оладилар. Улар ўз хоҳишлари билан нафас олишни вақтинча тўхтатадилар, оғриқни йўқотадилар, юрак уриши, тана ҳароратини бошқара оладилар. Имкониятнинг юқори даражасига эришганлар «Ража йога» деб аталадилар. Бундай хусусиятлар янада такомиллашиб бориб, «Карма йога», «Жнани йога» даражаларига етиб боради.

Ҳозирги замон касалликларидан деярли 90 фоизи асабларга тушадиган салбий таъсиротлар таъсирида юз беради. Йога билан одам ўз руҳиятини, кайфиятини бошқара олади. Жисмоний имкониятларни қандай бўлишидан қатъий назар йога билан барча шуғулланиши мумкин. Меъёри билан олиб бориладиган машқлар фақат фойда келтиради. Йога билан мунтазам шуғулланадиган кишилар яшаган йилларига қараганда анча ёш кўринадилар, касалликларга, жисмоний-руҳий таъсиротларга анча чидамли бўладилар.

**Т.ХАЙДАРОВ.**

### Одобнома

Яқинда сафардан қайтган дўстим билан шаҳар айландик. Табиийки, жамоат транспортига чиқдик. Шанба куни бўлгани учунми, автобус анча тирбанд эди. Навбатдаги бекатда мункиллаб қолган бир киши чиқди. Аксига олиб ҳамма ўриндиқларда ёши катта йўловчилар ўтирар эди. Шу пайт ўрта ёш аёл қарияга жой бўшатди. Бу ҳолни кўрган ҳамроҳим бир нарса ёдига тушгандек гап бошлади:

## ТУР ЎРНИНГДАН

### ўзингдан каттага жой бермайсанми?

– Юртимиз одамларига қойилман-да, кексаларимизнинг ҳурматини хўп жойига қўяди. Баъзи чет мамлакатларда агар ўзингдан каттага жой берсанг, сенга бир ғалати қарашадики, ўзинг ҳам ножўя иш қилиб қўйдиммикан, деб ўйлайсан. Уларда агар тепасида отаси турсаям, бамайлихотир ўтираверади. Жой берган одамни «лох» деб ҳисоблашади.

Бу гаплар ёдимдан кўтарилган эдику-я, лекин кеча ишдан қайтаётганимда ўша дўстим айтганга ўхшаган воқеа бўлди.

Кўпчилик ишдан қайтаётган бир маҳал, метрода одам кўп. Бир оғироёқ аёл тўрт ёшлар чамаси боласи билан вагонга чиқди. Вагон овозногоридан: «Эҳтиёт бўлинг! Эшиклар ёпилади! Кейинги бекат Ҳамид Олимжон. Илтимос! Ёш болали, ногирон ва ёши катта йўловчиларга жой беринг!», деган ёқимли хитоб эшитилди. Поезд ўриндан қўзғалди. Вагон ўриндиғида ўтирган уч-тўрт йигит тепасида оғироёқ аёл турганини кўриб туриб ҳам жой бўшатишни хаёлига келтирмасди. Шу пайт ёнгинамизда турган киши чидаб туролмади:

– Уступите места беременной женщине! Вас тоже кто-та родила или вы с небо свалились, –деди.

Ҳар қалай гап таъсир қилдими, биттаси ўрнидан туриб кетди. Бўлиб ўтган воқеани, уларнинг қулоғидаги ялтироқ темир балдоқларни кўриб, ўйланиб қолдим. Балким бу ерлик эмасдирлар? Ҳайтовур темир-терсак тақиб юрадиган йигитларни мен бундан олдин пойтахт кўчаларида кўрмаган эдим. Балки адашаётгандирман...

Яна ким билади...

**Абдулхай МАМАЖОН ўғли.**

**Муҳаммад Сиддиқ Рушидий**

## ҲИКОЯТ ВА ҲИКМАТЛАР

*Шарқ маънавияти ва фалсафаси фидойи, эътиқод соҳиби бўлишга, имон бутунлигига ўргатади, инсонпарвар, касб-ҳунарга, илм-фанга меҳр қўйишга ундайди: сабр-бардошли, ҳалолу пок, ризқига шукр қилиш, баний одамийга яхшилик қилишга чорлайди. XIX асрда яшаган ўзбек ёзувчиси Муҳаммад Сиддиқ Рушидийнинг «Тазкират-ул-авлиёи туркий» китоби ҳам 88 нафар донишмандлар фаолиятидан ташкил топган бўлиб, ундаги ҳикоят ва ҳикматларда инсонпарварлик ғоялари илгари сурилади. Аҳдига вафодор бўлиш, дўстликка хиёнат қилмаслик, пешона тери билан топган ризқи билан кун кўриш, кўзланган мақсад йўлида собитқадам бўлмоқ Рушидий ҳикматларининг мағзини ташкил этади. Қуйида ана шу нодир ёдгорликлардан айрим ҳикоят ва пандлар эътиборингизга ҳавола этилмоқда.*

Нақлдурким, бузурглардан бири Робиа қошиға борур эрди. Кўрдиким Робианинг эни кўҳна ва йиртиқ. Деди:

— Эй Робиа, дунёга кишилар тўладур. Мужмал ифода ва ишора қилсангиз, эгин берурлар.

Робиа деди:

— Аввалки, ҳамма дунё анинг мулкидур, анингдин бир нима тиламакка шарм тутарман, бас, нечун тилагайман, ул кишининг пули ўзининг эмасдур.

* * *

Рузайл дебдур: Халққа кўрсатмак учун амални дўст тутмоқ риёдур, яъни халқ кўрмаки учун амал қилмоқ шаркдур, яъни намоз ўтамасале халқ мени айб қилур, деб намоз ўтаса шаркдур, яъни кофур бўлур.

* * *

Нақл қилибдурларким, Иброҳим Адҳамдин сўрадилар:

— Не ҳолда кунингни ўткарурсан?

Иброҳим деди:

— Тўрт от сақлабман: бирининг оти Шукрина, бирининг оти Сабрина, бирининг оти Ихлос ва яна бирининг оти Тавба. Агар манинг олдимга бир неъмат келса, Шукр отиға миниб, Сабр отида анинг олдиға чиқармен ва агар балое манга юзланса, Ихлос отига миниб, рў-барў бўлурман. Ва агар манда гуноҳ пайдо бўлса, Тавба отига миниб, қувлаб-қочарман.

Башир дебдур: Одамнинг ямони ғийбатчи ва бахилдур.

**Нашрга тайёрловчи Ҳамиджон ХОМИД.**

Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги «Астробод» маҳалласида яшовчи, санъаткорлар сулоласи давомчиси Шавкатжон Қосимов савобли ишга қўл урди. Маҳалладаги ёшларни тўплаб «Астробод» гуруҳи ташкил этди. Улар олдига қўйган асосий мақсад миллий чолғу асбобларидан ҳисобланган сурнай, карнай, доира, ноғора сирларини ёшларга ўргатиш. Уларда миллий мусиқамизга қизиқиш уйғотишдир.

***Суратларда: Шавкатжон Қосимов раҳбарлигидаги «Астробод» гуруҳи аъзолари.***

**Ш. АКРОМОВ олган суратлар.**





***Қадим замонлардан бери шоҳмот ўзининг гўзаллиги, мазмундорлиги билан улкан сўз санъаткорларини ўзига мафтун этиб, ижодга илҳомлантириб келган. Масалан, буюк Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома»сида шоҳмотга катта ўрин берган.***

### Турган-битгани мўъжиза

## БУЮК СИЙМОЛАР НАЗДИДА ШОҲМОТ

Бутунлай ёки бир қисми шоҳмотга бағишланган бадиий асарлар, илмий рисола ва тадқиқотлар кўпчиликни ташкил этади. Шоҳмот ибораси бўйича олиб борилган филологик тадқиқотлар уларнинг ёзилиш даври ва бошқа зарур маълумотларни тўплашда ёрдам беради. Озарбайжонлик машҳур сўз санъаткори Афзалиддин Ҳоқоний (XI-XII) ҳам ўз асарларида шоҳмотни улуғлаган. «Шоҳмот тахтасидаги кураш ... заковатга асосланади», дейди у. Унинг шоҳмотдан мантиқий натижа чиқарган мана бу шеъри айниқса диққатга сазовордир.

***Бир вазир бўлиб эгри юрмоқдан,***
***Бир пиёда бўлиб тўғри юрган афзал.***

Низомий эса шоҳмот кураши усулидан бадиий восита сифатида кўп фойдаланган. Бу илк бор унинг «Хисрав ва Ширин» поэмасида акс этган:

***Замона Хисравга бўлмади паноҳ,***
***Баҳром қаршисида мағлуб бўлди шоҳ.***
***Мухолиф шатранжда қолган замонда***
***«Кишт» деди Хисравга бермади хона.***

Поэманинг сўнггида шоир: дунё бир шатранждир, унутма буни, дейди. Низомийнинг «Етти гўзал» ва «Искандарнома» асарларида ҳам шоҳмот кўп тилга олинади. Ишқ-муҳаббатни куйлаб, дурдоналар яратган Муҳаммад Фузулий, севги оламида ўзини «Мударриси илми жунун», яъни, ошиқлик, девоналик илмининг муаллими деб ҳисоблайди. Озарбайжонлик профессор, атоқли навоийшунос Ҳамид Араслининг кўрсатишича, XIII-XIV асрларда Озарбайжон зиёлиларининг маданий машғулотларидан энг севимлиси шоҳмот саналган. Улуғ ўзбек шоири, мутаффакир Алишер Навоий ҳам шоҳмотни севган, ўзи ҳам анчагина дуруст ўйнаган. Навоий «Лисон ут-тайр» достонидаги ҳикояларидан бирида бу ўйиннинг тафсилотини катта маҳорат билан чизиб берган. Шу ўринда достондан парча келтирсак.

***Икки шатранж ўйнагувчи устод,***
***Арсан шатранжга айлаб кушод.***
***Икки жонибдин бўлуб орамгир,***
***Тўкдилар ўртада шатранжи кабир.***

(арса-тахта, кушод-очиш, жониб-тараф).

Алишер Навоий яшаган даврда Самарқанд ва Бухоро қатори Ҳирот шаҳри ҳам шоҳмот маданиятининг йирик марказларидан бири бўлган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»сида шундай сатрларни учратиш мумкин: «Шайбонийхон ... шатранжга кўп машъуф эди. Эл бир илик ила ўйнаса, ул икки илик билан ўйнар эди. Ҳар неча кўнгли тилар ўйнар эди... Яна Мир Мумтоз эди... Шатранжга кўп шағафи бор экандур, бу мартабадаким, агар икки ҳариф учраса, бири била шатранж ўйнаб, яна бирининг этагини тутиб ўлтурур экандурким кетмагай деб». Кейинчалик Россия, Франция, Англия, Олмония, Италия ва польшалик машҳур зиёлилар – ёзувчию шоирлар, олимлар шоҳмот ҳақида кўп ёздилар. Зотан, Толстой, Тургенев, Менделеев, Пушкин, машҳур композитор Прокофьев, Шостакович, рассом Репин, созанда Давид Ойстрах кабилар шоҳмотнинг ашаддий мухлиси бўлганлар. Ҳа, атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов шоҳмот ҳақида сўз айтганида ҳақ эди.

***Шоҳмот абадийдур,***
***шеър ҳам абадий,***
***Юриш тугамасу, сўз***
***бўлмас тамом.***
***Шоҳмот тахтасида,***
***шеър майдонида***
***Ғоялар кураши этади***
***давом.***

**Анвар ИНОҚОВ, шоҳмот бўйича спорт усталигига номзод.**

(Давоми бор)





***Иккала диаграммада ҳам қоралар куч жиҳатдан устун. Лекин шунга қарамасдан оқлар муваффақиятли юришларни амалга ошириб, дурангга эришадилар. Маҳоратингизни синаб кўринг.***

## ТАДБИРКОР ТАРБИЯЧИЛАР

### Боғча «Дамас» сотиб олди

Улар билан танишмоқчи бўлсангиз, Самарқанд шаҳрининг Кимёгарлар қўрғонидаги 107-боғчага келаверинг. Матлуба Ўринова ана шу боғча тарбиячиси, айни вақтда Беруний номли педагогика коллежи талабаси ҳамдир. У яқинда «Тарбиячи-2002» танловининг республика босқичи совриндори бўлди. Болалар билан ўтказаётган машғулотлари ҳам ўзига хос.

Яна бир тарбиячи Дилором опа нутқида, ақлий ривожланишда нуқсони бор болалар билан шуғулланади. Унинг ташаббуси билан боғчада бепул махсус логопед гуруҳлари ишлаб турибди. Кичкинтойлар нутқини ривожлантириш учун барча шароит яратилган.

– Боғчамизга тўтиқуш олиб келмоқчимиз, — дейди изланувчан тарбиячи. — Чунки қушлар билан тиллашиш дудуқланишга барҳам беради. Бундан ташқари, халқ табобати усулларини ҳам қўллаяпмиз.

Манзура Камолова боғча мудираси, тажрибали тадбиркор. Унинг ишбилармонлиги туфайли боғча ўз «Дамас»ига эга бўлди. Автоулов боғча тарбияланувчиларига хизмат қилмоқда. Эндиликда боғчада жонли бурчак ташкил қилиш, парранда боқишни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Бу ҳам тарбиявий, ҳам иқтисодий жиҳатдан фойдалидир.

**К.УМИРОВА.**

## НАМАНГАНДА СПОРТ

Наманган вилояти бугун моҳир спортчилар масканига айланиб бормоқда. Туман, шаҳар ва қишлоқларда, илм масканларида соҳага эътибор тобора кучаяётганлиги, ёшларнинг ишдан, ўқишдан бўш вақтларида у ёки бу спорт тури билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароит яратиб берилаётганлиги муваффақиятлар гарови бўлмоқда.

Спортнинг энг оммалашган тури таэквон-до бўйича мамлакатимиз пойтахти Тошкентда мамлакат биринчилиги беллашувлари натижалари фикримиз далилидир. Чунки ушбу беллашувларда наманганлик таэквон-дочилар нечоғлик маҳоратга эга эканликларини намойиш этишди. Тажрибали мураббийлар — ака-ука Нодир ва Санжар Набиевлар раҳбарлигида таэквон-до сирларини пухта ўзлаштиришга муваффақ бўлган ёшлар турли шаҳар ва вилоятлардан келган тенгдошлари билан ўзаро куч синашиб, катта ютуқларни қўлга киритишга эришдилар. Шахсий биринчиликда Тўқимачилик коллежи спорт клуби иштирокчилари А.Камолов, Б.Комилов, Р.Сатторов, К.Умрзоқов,

### Ихлос

У.Шералиевалар биринчи ўринларни забт этдилар. Тўрақўрғон тумани спорт клуби қатнашчилари — И.Ўсаров, Х.Абдусаломов, У.Нормирзаев, Ё.Дадабоевлар эса шахсий биринчиликда иккинчи ўрин соҳиби бўлишди. «Терроризмга йўл йўқ!» шиори остида ўтказилган мусобақада вилоятнинг ёш спортчилари умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни забт этишга эришдилар.

Айни кунларда вилоят таэквон-дочилари декабр ойида Тошкентда ўтказилиши режалаштирилган беллашувга пухта ҳозирлик кўришмоқда.

**Ж. ОБИДОВ.**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9161 Буюртма Г— 1019. 1 2 3 4 5 6